

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН  
Ҳ У К М

Жиноят ишлари бўйича Дўстлик туман суди 2025 йил октябрь ойининг 15 куни ўзининг биносида, очиқ суд мажлисида, судья Л.Қодирқулов раислигида, судья ёрдамчиси А.Худойқуловнинг котиблигида, давлат айбловчиси Дўстлик туман прокурори ёрдамчиси М.Муродов, судланувчи М.М ва унинг ҳимоячиси – адвокат Ш.Примқулов, жабрланувчи М.Райимованинг иштирокида Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 122-моддаси 1-қисми билан айбланган,

**М.М.О (М.М.О)**, 1985 йил 09 майда Тошкент вилояти, Чиноз туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, оиласи билан ажрашган, уч нафар фарзандлари бор, маълумоти ўрта, вақтинча ишсиз, муқаддам судланмаган, [REDACTED]

иш бўйича қўлланилган “муносиб ҳулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов далолатномаси нусхасини 2025 йил 12 сентябрь куни олганга нисбатан

1-1306-2501/88-сонли жиноят ишини кўриб чиқиб, судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда тўпланган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

**А Н И Қ Л А Д И:**

Судланувчи М.Мдан фуқаролик ишлари бўйича Дўстлик туманлараро судининг 02.07.2024 йилдаги суд буйруғига асосан ундирувчи Райимова Махлиё Язил қизи фойдасига 03.05.2015 йилда туғилган Очилов Сардорбек Махаматжон ўғли ва 21.10.2018 йилда туғилган Очилова Зарнигор Махаматжон қизи исмли икки нафар вояга етмаган фарзандининг моддий таъминоти учун ҳар ойда топган даромадининг 1/3 қисми миқдоридан алимент ундириш белгиланган бўлсада, белгиланган алиментни тўлашдан бўйин товлаб келганлиги учун жиноят ишлари бўйича Арнасой туман судининг 07.11.2024 йилдаги қарорига асосан МЖтКнинг 47<sup>4</sup>-моддаси билан 15 сутка маъмурий қамоқ жазосига тортилганидан ўзига хулоса чиқармасдан маъмурий жавобгарликка тортилгандан кейин, бир неча марта огоҳлантирилишига қарамасдан, 2024 йил ноябрь ойидан 2025 йил август ойига қадар 9 ой учун 5.064.061 сўм, маъмурий жавобгарликка тортилишдан олдинги даври учун яъни 2021 йил июль ойидан 2024 йил ноябрь ойига қадар 40 ой учун 44.410.000 сўм, умумий ҳисобда 2021 йил июль ойидан



2025 йил август ойига қадар 49 ой учун жами 49.474.061 сўмлик алимент пулларини қасддан тўлашдан бўйин товлаб келган.

Судда судланувчи М.М айбига тўлиқ иқрор бўлиб, дастлабки терговда берган кўрсатувларини тасдиқлаб, яъни у турмуш ўртоғи Райимова Махлиё Язил қизи билан 2013 йилнинг апрель ойида шарий никоҳдан ўтиб, турмуш қуриб, Дўстлик тумани, А.Навоий маҳалласидаги уйда бирга яшаганлигини, турмуш ўртоғи М.Райимова билан яшаган даврида 03.05.2015 йилда Очилов Сардорбек Махаматжон ўғли, 21.10.2018 йилда Очилова Зарнигор Махаматжон қизи исми икки нафар фарзандлари туғилганлигини, М.Райимова иккинчи турмуш ўртоғи эканлигини, М.Райимова билан турмуши яхши бўлганлигини, у оиласини боқишга қийналгани сабабли ишлаш мақсадида 2019 йилда Россия давлатига кетганлигини, Россия давлатида ишлаб юрган вақтида турмуш ўртоғи билан телефон орқали гаплашиб турганлигини, у Россияда вақти турмуш ўртоғини ҳам Россияга келишини, бирга ишлашни айтганлигини, лекин унинг онаси рухсат бермаганлигини айтганлигини, шу билан М.Райимова икки нафар фарзанди ва у Россия давлатидан жўнатган нарсаларини олиб ота-онасининг уйига кетиб қолганлигини, шундан кейин М.Райимова икки нафар фарзандлари учун алимент ундириш учун судга ариза берганлиги учун фуқаролик ишлари бўйича Дўстлик туманлараро судининг 02.07.2021 йилдаги қарори билан унинг ҳисобидан М.Райимова фойдасига икки нафар фарзандларининг моддий таъминоти учун ҳар ойда жами даромадининг 1/3 қисм миқдорида алимент ундириш белгиланганлигини, алимент пулларини ўз вақтида тўлиқ тўламаганлиги сабабли унга жиноят ишлари бўйича Арнасой туман судининг 07.11.2024 йилдаги қарори билан 15 сутка маъмурий қамоқ жазоси тайинланганлигини, белгиланган маъмурий жазони ўтаб чиққанидан кейин ҳам алимент пулларини тўлиқ тўлай олмаганлигини, сабаби бирон жойда ишламаслиги, кунлик ишлардан топган пуллари ўзидан ва рўзғоридан ортмаганлиги учун алимент пулларини тўлай олмаганлигини, 2024 йил ноябрь ойидан 2025 йил август ойига қадар 9 ой учун 5.064.061 сўм, маъмурий жавобгарликка тортилишдан олдинги даври учун 2021 йил июль ойидан 2024 йил ноябрь ойига қадар 40 ой учун 44.410.000 сўм, умумий ҳисобда 2021 йил июль ойидан 2025 йил август ойига қадар 49 ой учун жами 49.474.061 сўмлик алимент пулларида қарздорлиги борлиги кўрсатилганлигини, у далолатнома билан танишиб чиққанлигини, ҳақиқатдан тўланган пуллар ҳисоб-китоб қилинганлигини, бу бўйича ҳеч кимга эътирози йўқлигини, айбига тўлиқ иқрорлигини, қилган ишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, жабрланувчи М.Райимовага етказилган 49.474.061 сўм зарарни тўлиқ қоплаб берганлигини, ҳозирда алимент пулидан қарздорлиги мавжуд эмаслигини, ўзини жазодан озод қилишни сўраб кўрсатув берди.

Гарчанд судланувчи М.М айбига тўлиқ иқрор бўлсада, суд унинг би қуйида келтирилган далиллар билан, жумладан:



Судда жабрланувчи М.Райимова қуйидагиларни, яъни у собиқ турмуш ўртоғи Мавлонов Махамматжон Очилович билан 2014 йил апрель ойида шарий никоҳдан ўтиб, Дўстлик тумани “А.Навоий” маҳалласида ота-онаси билан яшаб келганлигини, М.М билан турмуши даврида 03.05.2015 йилда Очилов Сардорбек Махамматжон ўғли, 21.10.2018 йилда Очилова Зарнигор Махамматжон қизи исмли икки нафар фарзандлари туғилганлигини, турмуши бошидан яхши бўлмаганлигини, собиқ турмуш ўртоғи М.М Россия давлатига бориб ишлаб келиб юрганлигини, турмушида оилавий ва молиявий сабабларга кўра турмуш ўртоғи ва унинг оила аъзолари билан уршиб турганлигини, турмуш ўртоғи 2019 йил бошларида ишлаш мақсадида Россия давлатига чиқиб кетганлигини, 2020 йилда қайнонаси унга ўғли Россия давлатида бошқа аёл билан турмуш қуриб яшаб юрганлигини айтганлигини, шунда икки нафар фарзандларини олиб ота-онасининг уйига кетганлигини ва ҳозирга қадар яшаб келаётганлигини, у турмуш ўртоғидан алимент олиш мақсадида судга мурожаат қилганлигини ва фуқаролик ишлари бўйича Дўстлик туманлараро судининг 02.07.2021 йилдаги суд буйруғига асосан М.Мдан унинг фойдасига икки нафар фарзандларининг моддий таъминоти учун алимент ундириш белгиланганлигини, алимент ундириш тўғрисидаги ижро ҳужжати билан Бюронинг Дўстлик туман бўлими ходимлари шуғилланганлигини, М.М алимент пулларини ўз вақтида тўламаганлиги сабабли жиноят ишлари бўйича Арнасой туман судининг 07.11.2024 йилдаги қарори билан 15 маъмурий қамоқ жазоси белгиланганлигини ва маъмурий қамоқ жазосини ўтаб чиққанлигини, шундан кейин ҳам алимент пулларини тўламасдан келаётганлигини, Бюронинг Дўстлик тумани бўлими давлат ижрочиси Ё.Давлетовнинг далолатномасини тўлиқ тасдиқлашлигини, 2021 йил июль ойидан 2025 йил август ойига қадар 49 ой учун жами 49.474.061 сўмлик алиментдан қарздорлиги борлигини, ҳозирда судланувчи М.М 49.474.061 сўм алимент пулларини тўлиқ қоплаб берганлигини, етказилган зарар бўйича даъвоси йўқлигини, лекин у билан ярашмаслигини, унга нисбатан қонуний чора кўришни сўраб берган кўрсатуви;

- судда гувоҳ Ё.Давлатов дастлабки терговда берган кўрсатувларини тасдиқлаб қуйидагиларни, яъни у мажбурий ижро бюросининг Дўстлик туман бўлимида давлат ижрочиси лавозимида ишлаб келаётганини, судланувчи М.Мдан фуқаролик ишлари бўйича Дўстлик туманлараро судининг 02.07.2021 йилдаги суд буйруғига асосан ундирувчи Райимова Махлиё Язил қизи фойдасига 03.05.2015 йилда туғилган Очилов Сардорбек Махамматжон ўғли, 21.10.2018 йилда туғилган Очилов Зарнигор Махамматжон қизи исмли икки нафар вояга етмаган фарзандларининг моддий таъминоти учун ҳар ойда топган даромадининг 1/3 қисми миқдорида алимент ундириш белгиланган бўлсада, белгиланган алимент тўлашдан бўйин товлаб келганлиги учун жиноят ишлари бўйича Арнасой туман судининг 07.11.2024 йилдаги



қарорига асосан МЖтКнинг 47<sup>4</sup>-моддаси билан 15 сутка маъмурий қамоқ жазосига тортилганидан ўзига хулоса чиқармаганини, уни бир неча маротаба жиноий жавобгарликка тортилиши ҳақида огоҳлантирганини, маъмурий жавобгарликка тортилгандан кейин 2024 йил ноябрь ойидан 2025 йил август ойига қадар 9 ой учун 5.064.061 сўм, маъмурий жавобгарликка тортилишдан олдинги даври учун яъни 2021 йил июль ойидан 2024 йил ноябрь ойига қадар 40 ой учун 44.410.000 сўм, умумий ҳисобда 2021 йил июль ойидан 2025 йил август ойига қадар 49 ой учун жами 49.474.061 сўмлик алимент пулларини қасддан тўлашдан бўйин товлаб келганлигини, суд тергови давомида судланувчи М.М жабрланувчи М.Райимовага етказилган зарарни тўлиқ қоплаб берганлигини баён қилиб берган кўрсатуви;

Шунингдек, жиноят ишидаги фуқаролик ишлари бўйича Дўстлик туманлараро судининг 02.07.2021 йилдаги суд буйруғи нусхаси, алимент қарздорликни ҳисоблаш тўғрисида далолатнома, жиноят ишлари бўйича Арнасой туман судининг 07.11.2024 йилдаги маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қарори нусхаси ҳамда судда текширилган ишончга сазовор бошқа объектив далиллар йиғиндиси билан тўлиқ ўз исботини топган деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи М.Мнинг жиноий ҳаракати квалификациясини муҳокама қилиб, дастлабки тергов органи томонидан унинг ҳаракати Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 122-моддаси 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Суд судланувчига нисбатан жазо тайинлаш масаласини ҳал қилишда қуйидагиларни эътироф этади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги 7-сонли Қарорининг 28-бандида, судлар жазо тайинлашда, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ва хусусияти, содир этилган қилмишнинг сабаблари, келтирилган зарарнинг миқдори ва хусусияти, айбдорнинг шахси, унинг жавобгарлигини енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олишлари кераклиги ҳақида, 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 01-сонли Қарорининг 1, 3-бандларида судларнинг эътибори жиноят учун жазо чорасини тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги тамойилларига қатъий амал қилишга қаратилиши, жазо адолатли бўлиши ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражаси, айбдорнинг шахси, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 8-моддасида, жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-



енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши кераклиги назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 15-моддасига кўра, ЖКнинг 122-моддаси 1-қисми ижтимоий хавфлилик даражасига кўра ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар туркумига киради.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарорининг 2-бандида, “Жиноят кодексининг 10-моддасида назарда тутилган жавобгарликнинг муқаррарлиги принципи жазо қўлланилиши шартлигини англамайди, шу туфайли судлар, ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этган, чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва жиноятнинг очилишига фаол ёрдам берган, етказилган зиённи қоплаган шахсларни ЖКнинг 65, 66, 70, 71-моддаларига мувофиқ жавобгарликдан ва жазодан озод қилиш масаласини муҳокама қилишлари лозим”лиги ҳақида тушунтириш берилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 70-моддасига кўра, жиноят содир этган шахс агар иш судда кўрилатган вақтгача шароит ўзгарди ёки шахс намунали хулқи, меҳнатга ёки ўқишга ҳалол муносабати билан ўзини кўрсатиб, ижтимоий хавфлигини йўқотди деб эътироф этилса, суд уни жазодан озод қилиши мумкинлиги;

ЖПК 463-моддаси 3-қисмининг 3-бандида, ҳукм чиқариладиган вақтга келиб, қилмиш ижтимоий хавфлигини йўқотса ёки уни содир этган шахс ижтимоий хавфи бўлмай қолса, жазо тайинланмасдан айблов ҳукми чиқарилиши кўрсатилган.

Суд юқоридаги Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Пленум қарори тушунтиришларига риоя қилган ҳолда судланувчи М.Мнинг ҳозирда айбига иқрор ва қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, муқаддам судламаганлигини, ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятни содир этганини, жабрланувчига етказилган зарарни тўлиқ бартараф қилганлиги, жабрланувчи етказилган зарар бўйича даъвоси йўқлигини, унинг қилмиши бугунги кунда ижтимоий хавфлигини йўқотганлигини эътиборга олиб, судлар томонидан жиноят учун жазонинг тўғри тайинланиши одил судловни амалга оширишнинг муҳим кафолати ҳисобланишини қайд қилган ҳолда, унга нисбатан жазо тайинламасдан туриб ҳам ахлоқан тузатиш, янги жиноят содир этишини олдини олишга эришиш мумкин деб ҳисоблаб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 463-моддаси 3- қисмининг 3-бандидаги, ҳукм чиқариладиган вақтга келиб, қилмиш ижтимоий хавфлигини йўқотса ёки уни содир этган шахс ижтимоий хавфи бўлмай қолган бўлса – жазо тайинламасдан айблов ҳукми чиқарилиши ҳақидаги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги 7-сонли Қарорининг 32-бандидаги агар ҳукм чиқариш пайтида, башарти: ҳукм чиқариладиган вақтга келиб, қилмиш ижтимоий



хавфлилигини йўқотса ёки уни содир этган шахс ижтимоий хавфли бўлмай қолса суд жазо тайинламасдан айблов ҳукми чиқариши ҳақидаги тушунтиришларга риоя қилган ҳолда, қилмиш ижтимоий хавфлилигини йўқотганлиги туфайли жазодан озод қилиш фақат суднинг жазо тайинламасдан чиқариладиган айблов ҳукми асосида амалга оширилиши сабабли Мавлонов Махамаджон Очиловични Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 122-моддаси 1-қисми билан айбдор деб топиб, ЖКнинг 70-моддасига асосан жазо тайинламасликни, унга нисбатан қўлланилган “муносиб ҳулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” эҳтиёт чорасини ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилишни лозим топди.

Суд, жиноят иши бўйича жабрланувчи М.Райимованинг 49.474.061 (қирқ тўққиз миллион тўрт юз етмиш тўрт минг олтмиш бир) сўм алимент пуллари тўлиқ қолаганлиги тўғрисидаги аризасини инобатга олишни ва зарар тўлиқ қопланган деб ҳисоблашни лозим топди.

Шунингдек, манфаатдор томонларга етказилган бошқа моддий ёки маънавий зиён бўйича фуқаролик иш юритуви тартибида фуқаролик судига мурожаат қилиш ҳуқуқига эга эканликларини тушунтиришни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди.

Юқоридагиларга ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460-463, 465-468, 472-473-моддаларига амал қилиб суд

#### Ҳ У К М Қ И Л А Д И:

**М.М.О (М.М.О)** Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 122-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбдор деб топилсин.

**М.М.О** Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 70-моддасига асосан тайинланиши лозим бўлган жазодан озод қилинсин.

М.Мга нисбатан қўлланилган “муносиб ҳулқ атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” эҳтиёт чораси ҳукм кучга кирган бекор қилинсин.

Жабрланувчи М.Райимованинг 49.474.061 (қирқ тўққиз миллион тўрт юз етмиш тўрт минг олтмиш бир) сўм алимент пуллари тўлиқ қолаганлиги тўғрисидаги аризаси инобатга олинсин ва зарар тўлиқ қопланган деб ҳисоблансин.

Манфаатдор томонларга етказилган бошқа моддий ёки маънавий зиён бўйича фуқаролик иш юритуви тартибида фуқаролик судига мурожаат қилиш ҳуқуқига эга эканликлари тушунтирилсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб ўн сутка ичида, судланувчи ва жабрланувчи эса ҳукм нусхасини олгандан сўнг шу муддат ичида Жиззах вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида, ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг кассация тартибида шикоят ёки протест келтиришлари мумкин.



**Раислик қилувчи**

**имзо**

**Л.Қодирқулов**

**Нусхаси аслига тўғри: \_\_\_\_\_**

Хужжат имзоланган: Қодирқулов Лазиз Адхамович, 15.10.2025

